Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 23 апрель, шанба № 78 (21.682). Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«Ўздонмаҳсулот» давлат концернини «Ўздонмаҳсулот» давлат-акционерлик корпорациясига айлантириш тўғрисида

Новвойхона, тегирмон-ёрма ва омихта ем саноати корхоналари ва бирлашмалари иш самарадорлигини ошириш, аҳолини нон маҳсулотлари билан таъминлашни тубдан яхшилаш, тармоқда бозор муносабатларини жорий этишни жадаллаштириш мақсадида:

1. «Ўздонмаҳсулот» давлат концерни таъсисчиларининг уни «Ўздонмаҳсулот» давлат-акционерлик корпорациясига айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўздонмаҳсулот» давлат-акционерлик корпорацияси:

юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган хўжалик корпорациясидир ҳамда у дон харид қилишни, ун, ёрма, омихта ем, нон, нон-булка, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сотишни таъминловчи турли мулкчилик шаклларидаги корхоналарни ихтиёрийлик асосида бирлаштиради;

ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва корпорация устави асосида амалга оширади, «Ўздонмаҳсулот» концерни илгари тузган барча шартномалар ва қабул қилган мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлади.

3. Ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмалари негизида дон маҳсулотлари тайёрловчиларнинг «Донмаҳсулот» акционерлик уюшмалари ташкил этилсин.

4. Қуйидагилар «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қилиб белгилансин:

дон, ун, ёрма, нон, нон-булка, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари, омихта ем ишлаб чиқариш ҳамда республика халқ хўжалигини ва аҳолисини улар билан таъминлаш;

ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, уни қайта ишлаш ва нон-булка ҳамда бошқа маҳсулотлар тайёрлаш билан банд бўлган корхоналарни кенгайтириш, қайта қуриш ва техника билан қайтадан қуроллантириш борасидаги ишларни ташкил қилиш;

дон, навли ва дурагай ғалла уруғлари, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулоти харид қилишни, уларни давлат эҳтиёжлари учун ва бошқа истеъмолчиларнинг буюртмалари бўйича етказиб беришни таъминлаш;

ғалла заҳираларини, жумладан, давлат ва сафарбарлик заҳираларини марказлаштирилган тарзда жамлаш, ҳудудий жиҳатдан жойлаштириш ва сақлаш;

республиканинг барча минтақаларини нон ва нон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш учун дон, ун, ёрма, кепак ва омихта емни тизим ичкарисида жойлаштиришни ташкил этиш;

дон маҳсулотлари тизимида бозор муносабатларини ривожлантириш, давлат корхоналари ва ташкилотларини акционерлик, жамоа ва мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантиришга оид ишларни йўлга қўйиш, тадбиркорликни ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашиш, қўшма корхоналар ташкил этиш;

ягона илмий-техник ва технологик сиёсат ўтказиш, ички ва ташқи бозорлардаги шарт-шароитларни ўрганиш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга доир ташкилий тадбирларни кўзда тутувчи қарор қабул қилсин.

6. «Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари давлат концерни («Ўздонмаҳсулот»)ни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 6 февралдаги 334-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб қисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 22 апрель.

Ташкилот қўмитаси йиғилиши

Бугун Тошкентда «Ўзбекбирлашув» биносида республика биржа-ярмарка савдоси очилади. Республикамиз Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан бундай савдо бундан буён мунтазам уюштириб турилади.

21 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов раислигида шу савдони ўтказиш бўйича ташкилот қўмитасининг йиғилиши бўлди. Савдога қўйиладиган мол ва маҳсулотлар рўйхатини, меъёрий-техникавий ҳужжатларни, реклама варақаларини тайёрлаш, ярмарка ўринларини жиҳозлаш ва безаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Биржа ва ярмарка савдоларида иштирок этадиган вазирликлар, идоралар, уюшмалар ва корпорацияларнинг раҳбарлари республика иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган бу тадбирга тайёр эканликлари ҳақида гапирдилар. Аммо дастлабки биржа-ярмарка савдосини юқори савияда ўтказиш, республика корхона ва ташкилотларининг, хорижий ҳамкорларнинг эътиборини бу улкан ишга жалб этиш учун аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш лозимлиги таъкидланди.

Ташкилот қўмитаси йиғилишида республика Бош вазирининг ўринбосарлари А. Возненко, К. Тўлаганов, М. Усмонов, Қ. Ҳаққулов иштирок этишди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Илгари хабар қилинганидек, шу йил 25—27 апрелда Франция Республикасининг Президенти Франсуа Миттеран жаноби олийлари давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

Ўзбекистон раҳбарияти юксак мартабали меҳмонни табриклаб, бу ташриф икки давлат ўртасидаги тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади, деб ишонади.

ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ФРАНСУА МИТТЕРАН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ



1916 йил 26 октябрда Шаранта департаментидаги Жарнак шаҳрида кейинчалик саноатчи бўлган темир йўл хизматчиси оиласида туғилди.

Париж университети ҳуқуқ ва ижтимоий фанлар факультетларини битирди, журналист, адвокат бўлиб ишлади.

Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган, Германиядаги ҳарбий асирлар лагерида тутқунликда бўлган, у ердан қочган. Француз қаршилик кўрсатиш ҳаракатида фаол иштирок этган, ҳарбий асирлар миллий ҳаракатига асос солган.

1944 йилнинг август — сентябрь ойларида генерал Де Голь муваққат ҳукуматида ҳарбий асирлар ишлари бўйича бош котиб сифатида иштирок этган.

Шундан кейинги йилларда Тўртинчи Республиканинг турли маҳкамаларида бир қанча вазирлик лавозимларини эгаллаб турган, жумладан:

1947 — 1948 йилларда уруш фахрийлари ишлари бўйича вазир,

1954 — 1955 йилларда ҳукумат раёсати давлат котиби, давлат вазири, ички ишлар вазири,

1956 — 1957 йилларда давлат вазири, адлия вазири лавозимларида ишлаган.

1946 йилдан 1958 йилга қадар Франция Миллий мажлиси депутатлигига сайланди.

1959 — 1962 йилларда Франция сенатининг аъзоси.

1962 йилдан бошлаб яна Франция Миллий мажлисининг депутати.

Бир қанча сиёсий ташкилотларга бошчилик қилган — қаршилик кўрсатиш демократик ва социалистик иттифоқининг миллий раиси, сўл демократик ва социалистик кучлар федерациясининг раиси бўлган (1965 — 1968 йиллар).

1970 — 1971 йилларда республика ташкилотлари бирлашмаси раёсатининг раиси.

1971 — 1981 йилларда Франция Социалистик партиясининг биринчи котиби,

1972 — 1981 йилларда Социалистик интернационал вице-президенти.

1981 йил май ойидан Франция Президентлигига сайланган.

1988 йил май ойида иккинчи муддатга Франция Президенти этиб сайланган.

Бир қанча китобларнинг муаллифи.

Симон Визенталь мукофоти лауреати (1984 йил), қуйидаги ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган: Фахрий легион ордени, «Жанговар хизматлари учун» хочи, Қаршилик кўрсатиш ҳаракати қатнашчиси фахрий белгиси.

Икки ўғли бор.

Рафиқаси — Даниэль Миттеран (Гуз шаҳрида туғилган) «Франция — эркинлик» халқаро жамғармасига бошчилик қилади, бу жамғарманинг мақсади уруш пайтида очлик ёки зулм жабрдийдалари бўлган катта ёшдаги кишилар ва болаларга ёрдам беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

У. АШИРБЕКОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлат органларида узоқ йиллар самарали ишлагани ва жамият ҳаётида фаол иштирок этгани учун Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Убиниёз Аширбеков Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 20 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

М. МИРЗАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек миллий мусиқа санъатини ривожлантиришдаги кўп йиллик самарали хизматлари учун Муҳиддин Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси қошидаги концерт-ташвиқот бўлимининг созандаси, атоқли бастакор Муҳаммаджон Мирзаев Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

**Тошкент шаҳри,
1994 йил 21 апрель.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА ВА ИЧКИ ҚЎШИНЛАР САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ВА ФУҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1967—1976 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1994 йилнинг май—июнь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 20 апрель.

ЎЗБЕК ЙИГИТЛАРИ ФРАНЦУЗЧА СЎЗЛАШАДИ

Тошкент Давлат университетининг хорижий филология факультети француз тили бўлими узоқ йиллардан бери француз тили ўқитувчилари, филологлари ҳамда таржимонларини тайёрлашда самарали меҳнат қилиб келмоқда. Бу бўлимни битирган ёш мутахассислар республикамизнинг турли жойларида меҳнат қилмоқдалар. Француз тили бўлими талабалари республикамиз ҳаётида фаол иштирок қилишяпти.

Факультет Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан мунтазам алоқа қилиб туради. Тадбирларда элчихона ходимлари фаол иштирок этмоқда. Франция Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Поль Везиан элчихона ходимлари иштирокида факультет ўқитувчи ва талабалари билан мулоқотда бўлган. Элчихона маданий алоқалар ходими Пьер Шувен факультетнинг доимий меҳмони. У факультетни замонавий адабиётлар, видеокассеталар билан таъминлашда ўз хизматини аямаяпти. Талабалар машҳур француз кинорежиссёри Франсуа Трюффо фильмларини мароқ билан томоша қилишяпти.

Яқинда ТошДУ маданият саройида Франция давлати Президенти Франсуа Миттераннинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи олдидан ўзбек-француз дўстлигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходими Ж. Шифодел қатнашди. Кечада жаҳон мумтоз адабиётининг улкан намоёндалари Бальзак, Дюма, Флобер, Мопассан, Гюго, Мольер асарларидан парчалар кўрсатилди. Француз халқ қўшиқларини талабалар зўр маҳорат билан ижро этдилар. Айниқса, талабаларнинг француз шеъриятига қизиқиши кечада яққол сезилиб турди.

Хайрулло АЗИМОВ.

Жан Поль ВЕЗИАН:

ҲАМКОРЛИГИМИЗНИНГ ИСТИҚБОЛИ ЁРҚИН

Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттераннинг республикамизга ташрифи бошланишига саноқли кунлар қолди. Франция раҳбарининг жавоб ташрифи мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари равнақи йўлида навбатдаги дадил одим бўлиши кутилмоқда. Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг Франция сафари чоғида: «Ўзбекистонда учрашгунимизча биз ҳамкорлигимизни янада ривожлантирадиган, келажакдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларимизни янги босқичга кўтарадиган, имзоланган битим ва шартномаларимизни изчил давом эттирадиган янги ҳужжатларни тайёрлаб қўямиз», деган гапларини эслаш жуда ўринлидир.

Олий даражадаги ташриф олдидан ЎзА мухбири Франция Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Поль Везиан билан суҳбатлашди.

— Муҳтарам элчи жаноблари, мамлакатингиз Президенти Франсуа Миттеран жаноби олийларининг республикамизга ташрифи арафасида мусоҳаба қилиб турибмиз. Бўлажак олий мақомдаги учрашувдан нималар кутяпсиз?

— Франция раҳбарининг Ўзбекистонга жавоб ташрифи ўзаро муносабатлар равнақига хизмат қилиши шубҳасиз. Икки ўртада дипломатик алоқалар ўрнатиш тўғрисида ҳужжат имзоланганч, мамлакатингизда элчихонамиз фаолият бошлаганининг ўзиёқ Франция сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенг ривожлантириш тарафдори эканини билдиради. Халқингизда шундай мақол бор: «Юз бор эшитгандан, бир марта кўрган яхши». Гўзал ва афсонавий диёрингизга мамлакатимиз Президенти билан бирга юқори мартабали аъёнлар, ишбилармонлар, журналистлар келиши кутилмоқда.

— Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг юртингизга расмий-давлат ташрифи тўғрисида гап очдингиз. Дарҳақиқат, сафар чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилган, жумладан, ҳукуматлараро бир қанча ҳужжатлар имзоланган эди. Ўтган вақт ичида мазкур битимларнинг амалга татбиқ этилишидан кўнглингиз тўляптими?

— Биласизми, Президент жанобларининг юртимизга ташрифидан буён кўп фурсат ўтгани йўқ. Шу боис, имзоланган ҳужжатлар натижасини таҳлил қилишга ҳали эртадек, назаримда. Масалан, ўшанда ҳар икки томонни ҳам қизиқтирадиган муаммолар бўйича давлатларимиз ўртасида ўзаро сиёсий маслаҳатлашувни йўлга қўйишга келишиб олган эдик. Фурсат келганида айтишим керакки, Парижда Ўзбекистон элчихонасининг очилиши сиёсий-иқтисодий муносабатларимизга янги туртки берган бўлур эди.

Албатта, Франсуа Миттеран жанобларининг ташрифи чоғида ўзаро алоқаларимиз ривожига ҳисса қўшадиган талай ҳужжатлар имзоланади, аммо биргина сафар билан ҳамкорлигимизнинг жами қирраларини қамраб олиш мумкин эмас. Зотан, «Париж бир кунда барпо бўлмаган», деб нақл қилади французлар. Ҳозирги пайтда яна кўпгина соҳаларда ҳамкорлик юзасидан ҳужжатларни тайёрлаш учун музокаралар бормоқда. Ишончим комилки, Ислом Каримов сафари пайтида Франция раҳбар ходимлари ва жамоатчилигида уйғотган яхши таассуротлар бу ишларнинг тезлашувига хизмат қилади.

Юртингиз кишиларининг муносабатларидан Франция ва французларга нисбатан меҳр-муҳаббат, қизиқиш ва эҳтиром уфуриб турганини доимо ҳис этаман. Бу ерда француз технологияси ва маҳсулотларини юксак қадрлашлари, Францияга маданий қадриятлар ва демократия рамзи сифатида қараш-лари менга ёқади.

— Икки ўртадаги сиёсий, маданий-маърифий ҳамкорлик йўналишида сезиларли ишлар қилинмоқда. Иқтисодий муносабатлар, хусусан, савдо-иқтисодий алоқалар мамлакатларимизнинг ижтимоий даражасига мос равишда ривожланяптими?

— Менимча, иқтисодий йўналишдаги алоқаларимиз ҳам нолийдиган даражада эмас. Энергетика, коммуникация, хом ашёни қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қурилиш сингари бир қанча соҳаларда Ўзбекистон—Франция қўшма лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ҳукуматининг устувор дастурига асосланган. Мазкур ишларни молиявий таъминлаш ҳал этилса, Франция фирмаларининг Ўзбекистондаги фаолияти дарров кўзга ташланиб қолади. Шу йилнинг март ойида бир гуруҳ Ўзбекистонлик вилоят ва туман ҳокимлари Франция корхоналари фаолиятини ўрганаётган бир пайтда француз ишбилармонларидан иборат делегация ҳам Тошкентдаги ишлаб чиқариш бирлашмалари билан танишиб қайтди.

— Ўзбекистон—Франция ҳамкорлигининг истиқболини қандай тасаввур этасиз?

— Ҳамкорлигимизнинг келажагини шу кеча-кундуздаги мулоқотларимиз, музокараларимиз, аҳдлашувларимиз, қолаверса, ҳар икки томоннинг ўзаро алоқаларни кучайтириш йўлидаги ҳоҳиш-истаги белгилайди. Ҳозирда бу ҳоҳиш-иродаларнинг икки томонда ҳам баб-баравар мавжудлиги Ўзбекистон—Франция ҳамкорлиги истиқболининг ёрқинлигидан далолатдир.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

**Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.
(ЎзА).**

• *Қишлоқда иқтисодий ислоҳот қандай бормоқда?*

Президентимизнинг халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқини Шофиркон туманида ҳам зўр қизиқиш билан маъқулламоқдалар. Мухбиримиз тумандаги Файзулла Хўжаев номли жамоа хўжалигида бўлиб, нутқда илгари сурилган дастурий мақсад ва вазифалар қандай бажарилаётгани билан қизиқди.

Рустам РАҲМАТОВ, хўжалик бошқаруви раиси:

— Шуни тан оламизки, ҳали иқтисодий ислоҳот соҳасида етарли иш олиб боролмаяпмиз. Буни қишлоқ хўжалигида, унинг тармоқларида юзага келган аҳволнинг ўзи кўрсатиб турибди. Донинг тўлиқ экилмай қолиб кетгани, картошкачиликда илғор технологиядан фойдаланилмаётгани кўнгилни хира қилади, албатта. Деҳқон (фермер) хўжаликларидаги оғир аҳвол давом этаётганлиги кечиримли ҳол эмас. Бултур хўжалигимизда 90 гектар ерга дон экилганди. Бу йил уч бараварга ошириб, 270 гектар ерга кузги дон экканмиз. Ҳар ҳолда дон билан хўжалик аъзоларини таъминлаймиз. Ер эгасини топиши учун пахтачиликдан бошқа ҳамма соҳани хусусийлаштиришга киришдик. Энди сабзавот-полиз, мева, картошка, чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи мулкдорларимиз бўлади. Тўкинликка эришамиз.

Биз энди дадил ҳаракатга ўтдик. Аҳолини иш билан таъминлаш учун саноатни қишлоққа олиб кириш — кичик корхоналар очишни йўлга қўйдик. «Озод» кичик корхонаси Россиядан биноқорлик материаллари келтириб, уни қайта ишлаб, уй-рўзғор ашёлари ясаб аҳолига сотяпти. Бўёқ кукуни ишлаб чиқарадиган кичик корхона маҳсулотига талаб бениҳоя каттадир. Шлоклиблоклар цехи, йилига 3 миллион банка консерва ишлаб чиқарадиган цехларимиз маҳсулот бераётир. Ун, ғишт заводи, мойжувозларимиз орқали халқимиз оғирини енгил қиляпмиз. Ўйлаймизки, халқ ишончи, назаридан қолмаслик учун фақат меҳнат, яна меҳнат асқотади.

Дилмурод ЭЛОВ, ЎзХДП бошланғич ташкилоти котиби: — Президентимиз нутқи ХДП аъзолари учун дастурил амал сифатида хизмат қилади. Чунки, ўтиш даврида айрим гуруҳларнинг ҳақиқий башаралари кўриниб қолди. ХДПга бўлган ишонч кучаяётганидан ғанимларимиз саросимага тушаётирлар, ҳар хил сафсаталарни тарқатмоқдалар. Президентимиз нутқида бунга аниқ баҳо берилгани кўнглимиздаги гап бўлди.

Айни пайтда бошқарувнинг ўрта, юқори бўғинларига ХДП аъзолари раҳбарлик қилишяпти. Оддий деҳқонни, чорвадорни бугунги сиёсатимиз моҳияти, мақсади билан таништириш, уларни ортимиздан эргаштириш — олдимизда турган асосий вазифа. Хўжалигимизда 84 ХДП аъзоси бор. Улар хўжалик ишлаб чиқаришида фаолликни ўз қўлларига олган. Тарғибот-ташвиқот ишлари, тарбиявий тадбирлар уларнинг иштирокида олиб борилмоқда. Камчиликларимиз қўплигига иқрор бўлдик. Ҳар бир фуқаро онгига мен ўз Ватанимга, элу юртимга нима бердим, деган ақидани сингдиришга ҳаракат қиляпмиз. Шунга эришсаккина иқтисодий ислоҳотни амалга оширган бўламиз.

Тўйбибі ОМОНОВА, хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси раиси: — Президентимиз фаровон турмушга машаққат чекмасдан, синовлардан ўтмасдан эришиб бўлмаслигини алоҳида уқтирдилар. Бу — ҳақиқат. Яхши зоси фаолият кўрсатяпти. Булар орасида ногиронлар, кам даромадли оилалар, қаровчисини йўқотган фуқаролар ҳам бор. Улар ҳолидан ҳамиша хабар олиб турибмиз. Наврўз арафасида 5 та оилага 10000 сўмдан пул бердик. Хўжалик томонидан ногирон, кам даромадли оилаларга ёрдам тариқасида 395 минг сўм тарқатилди.

Бизда меҳнаткашлар соғлиғини муҳофаза қилишга эътибор ошириляпти. Шу йилнинг ўтган даврида 15 киши санаторийларда ҳордиқ чиқариб келди. Хўжалик ҳудудида 2 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 2 фельдшер-акушерлик пункти ишлаб турибди. 7 та доимий, 2 та бюджет билан таъминланадиган болалар боғчаларида 500 кичкинтой тарбияланаётир. Соғлом авлодни тарбиялаш борасида оналарга ғамхўрликни кучайтирдик. Ҳозир айни экиш-тикиш даврида 16 та дала шийпони ҳордиқ масканига айлантирилган.

ЭЛ НАЗАРИДАН ҚОЛМАНГ

Дилмурод ЭЛОВ, ЎзХДП бошланғич ташкилоти котиби:

— Президентимиз нутқи ХДП аъзолари учун дастурил амал сифатида хизмат қилади. Чунки, ўтиш даврида айрим гуруҳларнинг ҳақиқий башаралари кўриниб қолди. ХДПга бўлган ишонч кучаяётганидан ғанимларимиз саросимага тушаётирлар, ҳар хил сафсаталарни тарқатмоқдалар. Президентимиз нутқида бунга аниқ баҳо берилгани кўнглимиздаги гап бўлди.

Айни пайтда бошқарувнинг ўрта, юқори бўғинларига ХДП аъзолари раҳбарлик қилишяпти. Оддий деҳқонни, чорвадорни бугунги сиёсатимиз моҳияти, мақсади билан таништириш, уларни ортимиздан эргаштириш — олдимизда турган асосий вазифа. Хўжалигимизда 84 ХДП аъзоси бор. Улар хўжалик ишлаб чиқаришида фаолликни ўз қўлларига олган. Тарғибот-ташвиқот ишлари, тарбиявий тадбирлар уларнинг иштирокида олиб борилмоқда. Камчиликларимиз қўплигига иқрор бўлдик. Ҳар бир фуқаро онгига мен ўз Ватанимга, элу юртимга нима бердим, деган ақидани сингдиришга ҳаракат қиляпмиз. Шунга эришсаккина иқтисодий ислоҳотни амалга оширган бўламиз.

Тўйбибі ОМОНОВА, хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси раиси: — Президентимиз фаровон турмушга машаққат чекмасдан, синовлардан ўтмасдан эришиб бўлмаслигини алоҳида уқтирдилар. Бу — ҳақиқат. Яхши зоси фаолият кўрсатяпти. Булар орасида ногиронлар, кам даромадли оилалар, қаровчисини йўқотган фуқаролар ҳам бор. Улар ҳолидан ҳамиша хабар олиб турибмиз. Наврўз арафасида 5 та оилага 10000 сўмдан пул бердик. Хўжалик томонидан ногирон, кам даромадли оилаларга ёрдам тариқасида 395 минг сўм тарқатилди.

Бизда меҳнаткашлар соғлиғини муҳофаза қилишга эътибор ошириляпти. Шу йилнинг ўтган даврида 15 киши санаторийларда ҳордиқ чиқариб келди. Хўжалик ҳудудида 2 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 2 фельдшер-акушерлик пункти ишлаб турибди. 7 та доимий, 2 та бюджет билан таъминланадиган болалар боғчаларида 500 кичкинтой тарбияланаётир. Соғлом авлодни тарбиялаш борасида оналарга ғамхўрликни кучайтирдик. Ҳозир айни экиш-тикиш даврида 16 та дала шийпони ҳордиқ масканига айлантирилган.

* * *

Олдимизда мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазифалар турган экан, ана шу вазифаларни муваффақиятли бажариш ҳаммамиздан юқори масъулиятни, ҳалол ва унумли меҳнатни талаб қилади. Шу юрт фарзанди эканмиз, жамият олдидаги бурчимизни адо этишимиз даркор. Шунда эл-юрт ишончига сазовор бўлаверамиз.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• Франция Президентининг Ўзбекистонга ташрифи олдидан

МИТТЕРАННИ МАФТУН ЭТГАН ШОҲ АСАР

Чағониён элчиларининг бошлиғи.

ЎТГАН йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат мақомидаги расмий ташриф билан Оврўпонинг қудратли давлатларидан бири Францияда бўлганида Президент Франсуа Миттераннинг меҳмонлар шарафига уюштирган расмий қабул маросимида сўзлаган нутқи барчанинг ёдида бўлса керак. Ф. Миттеран ўз сўзида ўзбек халқининг тарихи, санъати, маданияти ва ўтмишда тутган улуғвор мавқеи ҳақида кўпгина илиқ, самимий гапларни айтиб: **«Эрамизнинг 660 йилида номи бизгача етиб келмаган буюк рассом Самарқанд хони саройида Марказий Осиёдаги бошқа хонликлардан, шунингдек, Юқори Осиёдаги Турк империясидан, Хитой, Қурия ва бошқа мамлакатлардан қимматбаҳо совғалар билан келган элчиларни тасвирлаган. Улар пойтахтга боришмоқда эдилар.**

Кўпчиликка маълум бўлмаган бу шоҳ асар ҳозир ўзи топилган жойда, Афросиёбда намойиш қилинмоқда. Уни томоша қилган ҳар бир киши тинчлик ва биродарлик элчиларини кўргандек бўлади. Сизнинг мамлакатингиз ана шу халқларнинг меросхўридир.

Президент жаноблари, **бир неча ойдан сўнг ажойиб мамлакатингизга ташриф буюришга мени таклиф қилган экансиз, мен ушбу санъат асарини, ҳамда ислом маърифатига кўплаб буюк алломаларни етказиб берган шу диёрни ўз кўзим билан кўришга муваффақ бўламан»** — деган эди.

Хўш, Ўзбекистондан узоқларда жойлашган Франциядек буюк давлатнинг Президенти, санъат ва тарих ошуфтаси Ф. Миттераннинг диққатини ўзига тортиб, унинг орзусига айланган бу шоҳ асар қачон, қаерда ва қай ҳолатда топилган эди? Очиғини айтиш керакки, жаҳоний шуҳратга сазовор бўлган бу ноёб санъат асарини кўпчилик ватандошларимиз билмайдилар.

Биз Франция Президентининг республикамизга яқинда қиладиган расмий ташрифи муносабати билан, олий мартабали меҳмон кўришни орзу қилган ушбу ноёб деворий суратлар ҳақида ҳикоя қилишга жазм этдик.

Авваламбор шуни айтиш лозимки, бу қимматли суратлар Турон ва Сўғдиёнанинг пойтахти, ўз тарихий шон-шуҳрати билан аллақачонлар жаҳон тарихчиларининг назарига тушган, бағрида Эрон аҳмонийлари, Искандар Зулқарнайн, Қутайба ибн Муслим ва Чингизхон лашкарларининг излари сақланиб келаётган, ёши қариб уч минг йилга яқин, Самарқанднинг қадимги ўрни — Афросиёбдан топилгандир.

Афросиёб шаҳарчасининг харобаларида археологик қидирувлар бошланганига бир асрдан зиёд вақт ўтиб, шу давр мобайнида бу ердан қадимги Сўғдиёна тарихини, санъати ва маданиятини ёритувчи, сўғдларнинг қўшни мамлакатлар билан олиб борган маданий алоқаларини исботловчи кўплаб ноёб тарихий ашёлар топилди. Аммо ўзбек археологлари 1965 йили Афросиёбда қилган кашфиётлари ҳаммасидан ошиб тушди. Ўша йили археологлар академик Я. Ғуломов раҳбарлигида қазиш ишлари олиб боришаётиб, VII-VIII асрларда бунёд қилинган, Сўғдиёна ҳукмдори Вархуманнинг саройидан ноёб деворий суратлар топишга муваффақ бўлдилар. Бу суратлар бир неча асрлар давомида зах ерда ётишига қарамай ўз кўрки ва оҳорини йўқотмаган эди. Улар бир неча хил мавзуга бағишланган бўлиб, энг машҳури Самарқанд ҳукмдори ҳузурига ташриф буюрган ажнабий давлатларнинг элчилари тасвирланган суратлар эди. Суратларни зўдлик билан кимёвий таъмирлаш, сақлаб қолиш ва бошқа ерга кўчириш чоралари кўрилди.

Шу ўринда аждодларимизда деворий суратлар чизиш анъаналари қачон пайдо бўлган, унинг илдизлари чуқурми? — деган ўринли савол пайдо бўлади. Бу анъана ўзининг бир неча асрлик тарихига эгадир. Археологик маълумотлардан маълум бўлишича, бизнинг аждодларимиз қадим тош даврларидаёқ қоя тошларга суратлар чизишни билганлар. Масалан, Сурхондарёдаги Зараутсой дарасида бундан 15 минг йиллар илгари чизилган қоятош суратлари топилган, антик (эрамиздан олдинги IV аср) ва илк ўрта асрларда (V-IX асрлар) эса саройлар, ибодатхоналарнинг деворларига ҳар хил мавзудаги ранг-баранг суратларни ишлаш кенг расм бўлган. Бундай деворий суратлар Хоразмдаги Тупроққалъа, Гяурқалъа, Сурхондарёдаги Қоратепа, Фаёзтепа, Далварзинтепа, Холчаён, Болаликтепа, Бухородаги Варахша, Самарқанддаги Афросиёб, Кофирқалъа ва Жартепа каби ёдгорликлардан кўплаб топилгандир. Бу деворий суратлар ўз мавзулари ва чизилиш даврлари билан бир-бирларидан фарқ қилса-да, уларнинг ҳар бири аждодларимизнинг юксак даҳоликларидан гувоҳлик бериб турибди.



Чағониён элчилари.

Саройлар ва ибодатхоналарнинг деворларига суратлар ишлаш анъанаси юртимизга VIII асрда араблар кириб келиши билан барҳам топди. Улар ўз диний ақидаларига тўғри келмайдиган санъатнинг бу турини қаттиқ таъқиб остига олдилар. Аммо,барибир бу санъат батамом йўқолиб кетмади. Саройларнинг деворларига бежирим суратлар ишлаш Самарқандда қайта тикланди, XIV—XV асрлар тарихчиларининг ёзишларича, Амир Темур Самарқанд шаҳрида бири-биридан гўзал 12 боғ-сарой яратиб уларнинг деворларига ҳар хил мавзулардаги бетакрор суратларни ишлатган. Шу тарика аждодларимиздан мерос бу санъат яна ривожланди, янги-янги қирралари очилди.

ЭНДИ, гап бевосита жаноб Ф. Миттераннинг диққатини ўзига тортган, у кўришни орзу қилган суратлар ҳақида. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу суратлар Самарқанд ҳукмдори Вархуманнинг улуғвор саройи деворларига ишланган бўлиб бизгача тўлиқ ҳолда етиб келмаган. Араблар VII-VIII асрларда Самарқандни истило қилганларида бу суратларни ўткир тиғлар билан чизиб ёки қўпориб ташлашган. Улар Самарқанд ибодатхоналаридаги санамларни ва диний китобларни ҳам ўтда ёндирганлар.

Археологик қазилмалардан маълум бўлишича, Вархуман саройининг тўрттала томонига ҳам суратлар чизилган экан. Сарой деворларидаги барча суратлар битта мавзуга, яъни Самарқанд ҳукмдори Вархуманнинг ажнабий элчиларни қабул қилиш маросимига бағишланган экан. Жанубий девордаги суратларда Самарқанд шаҳрига кириб келаётган элчилар карвони чизилган. Элчилар карвонини оқ фил бошлаб келмоқда. Унинг устидаги тахтиравонда аёл киши ўтирибди. Филнинг ортидан эса отлиқ уч аёл келмоқда. Аёллар ортидан туя минган икки киши оҳиста тебраниб йўл босмоқда. Туякашлар ортида бир неча ғоз тасвирланган бўлиб, ғозлардан бирининг патида эса «...Унаш уруғидан чиққан ҳукмдор Вархуманга тўрт ғоз...» — деган сўғдча ёзув битилган. Карвоннинг ўртасида башанг безатилган отда элчилар бошлиғи, унинг ортида беш отлиқ акс этган. Шу билан бу карвон тасвири якунланган. Элчининг нафис ипакдан тикилган камзулидаги ёзув ва уларнинг либослари, ташқи қиёфаларидан маълум бўлишича, карвон VII-VIII асрларда гуллаб-яшнаган Чағониён юртидан келганлар. Бу давлат ҳозирги Сурхондарё вилояти ўрнида бўлиб, унинг пойтахти Чағон шаҳри Денов атрофида бўлган. Кўпчилик тарихчиларнинг фикрича, оқ фил устида ўтирган гўзал қиз Чағониён подшоси Турантошнинг қизи бўлиб, уни ўз отаси Самарқанд подшоси Вархуманга хотинликка юборган.

Вархуман саройининг шимолий деворига ишланган суратлар икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи, яъни шарқий бўлакда йиртқичларга қарши найза ва ўқ-ёйлар билан қурашаётган чавандозлар тасвирланган. Суратнинг ғарбий бўлагида эса дарёнинг қирғоғи, қирғоқда кийимларини ечаётган одамлар ва қайиқ ҳамда унда ўтирган аёллар тасвирланган. Афросиёб суратларини таҳлил қилган олимларнинг фикрларича, бу ерда элчиларнинг дарёдан кечиб ўтаётган жараёни тасвирланган. Йиртқичлар билан олишаётган чавандозлар элчиларнинг хавфсизлигини таъминламоқдалар. Археолог Л. И. Альбаумнинг хулосасига кўра, бу элчилар карвони Шарқий Туркистондан Самарқанд томон йўлга чиққан элчилардир.

Саройнинг шарқий деворидаги суратлар бошқаларига нисбатан бирмунча ёмон сақланган. Суратда бир неча ялангоч болаларни, фил, от ва нилуфар гулларини, балиқлар, қушлар ҳамда жон-жаҳди билан олдинга интилаётган ҳайвоннинг тасвирларини англаш мумкин. Л. И. Альбаум бу тасвирларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, суратда ҳиндлар ва уларнинг ҳаёт тарзи, эътиқодлари тасвирланган дейди.

Энди сўнгги — ғарбий деворидаги суратлар ҳақида. Бу расмлар ҳам ўз аҳамияти ва қиммати билан жанубий деворидаги тасвирдан қолишмайди. Суратлар марказини Самарқанд подшоси Вархуманнинг ажнабий элчиларни қабул қилиш маросими ташкил этади. Афсуски, Варҳуманнинг қиёфаси бизгача етиб келмаган, аммо унинг сарой маълум бўлишича, сарой аҳллари туркийларга мансуб эканлиги маълум бўлади. Бу табиий.

ТАРИХдан маълумки, эрамизнинг VI асрида Олтой, Еттисув, Марказий ва Ўрта Осиёдаги бир неча туркий халқлар бирлашуви туфайли — Осиё тупроғида Турк ҳоқонлиги пайдо бўлади. Унинг қаршисида ўша даврнинг икки қудратли давлати Эрон ва Византия ҳам титраб турарди.

Вақт ўтиши билан Турк ҳоқонлари ўз ҳудудларини Хитойдан тортиб то Тинч океани ва Қора денгизгача кенгайтирдилар. VI-VIII асрларда турк ҳоқонлиги таркибига кирган Сўғдиёна ҳар томонлама ривожланиб борди. Турклар сўғд савдогарларига шароит яратиб берганликлари туфайли улар Шарқу Ғарб давлатларига бемалол қатнай бошладилар. Бу даврда санъат ва маданият, айниқса, юқори поғонага кўтарилди, Ўзбекистон ўрамидан топилган, деворларига ранг-баранг суратлар солинган саройлар ва ибодатхоналар айнан турклар ҳукмронлиги даврига тўғри келиши ҳам бежиз эмасдир. Туркларда тасвирий санъат қадимдан ривожланганлигини турли хил тарихий



Чағониён элчилари.

Элчилар Вархуманга совғаларни тортиқ этишмоқда.

манбалардан кўп ўқиганмиз. Масалан, Хитой тарихий йилномаси «Суйшу»да ёзилишича, турклар марҳумларининг қабрлари устига ёғочдан уй қуришиб унинг деворларига марҳумнинг суратларини чизишган.

Таниқли шарқшунос олима О. М. Смирнованинг ёзишича, VII-VIII асрларда Сўғдиёнанинг кўп подшолари туркийлардан бўлган. Шу сабабли бўлса керак, девон ишлари кўпинча туркий тилда ҳам юритилган. Хитой манбаларида ёзилишича, VII-VIII асрларда Самарқандда «Адолат уйи» номли ибодатхона бўлган, бу ибодатхонада туркий тилда ёзилган қонунлар мажмуаси бўлган ва Самарқандда жиноят содир этган гуноҳкорларни ўша қонунлар асосида жазолашган.

Шу ўринда Афросиёб деворий суратларида Самарқандга ташриф буюрган ажнабий элчилар ифодаланган бўлса, Самарқанд подшолари ҳам чет давлатларга жавоб элчилари жўнатганми? — деган ҳақли савол туғилади. Агарда VII-VIII асрларга оид хитой, турк ва бошқа миллатларга оид манбаларни ўргансак бу саволга жавоб топа оламиз. Хитой йилномаларидан маълум бўлишича, VII асрда Самарқанднинг ўзидан Хитойга 9 марта элчилар делегацияси борган. Бундан ташқари, Самарқанднинг атрофида жойлашган Маймурғ, Кеш, Нахшеб, Иштихон ҳокимликларидан ҳам бир неча бор элчилар жўнатилган. Самарқандга ташриф буюрган хитойлик профессорнинг айтишича, Хитой музейларида аждодларимиз бир неча асрлар илгари Чин юртига олиб борган қимматбаҳо совға-саломлар, санъат асарлари энг эътиборли жойларда намойиш қилинмоқда.

АФРОСИЁБдан топилган деворий суратлар бу ерга ташриф буюрган ажнабий элчилар ҳақида хабар бериши билан бирга бошқа тарихий қимматга ҳам эгадир. Бу суратларда VII-VIII асрлардаги реал тарихий шахслар ва элчилар акс эттирилган. Уларни чизган моҳир мусаввирлар Хитой, Қурия, Чоч, Ҳинд ва чағониёнлик элчиларни шу даражада ҳаққонийлик билан акс эттирганларки, уларга қараб ўша давр одамларининг ташқи қиёфалари, характерлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўласиз. Шунингдек, суратларда акс эттирилган персонажларнинг кийим-кечаклари, тақинчоқлари, қурол-аслаҳалари ҳам VII-VIII асрлардаги турмуш тарзи ҳақида қимматли тасаввурлар беради. Афросиёб суратлари Эроннинг Персиполь ва Суза каби, худди шу тахлитда ҳар хил ажнабийларнинг тасвирлари туширилган рельефларидан ҳам қимматлидир.

Айрим олимларнинг фикрича, рассомлар деворларга сурат чизишдан олдин бу суратларнинг кичик чизгиларини яратганлар. Энг сўнгги ҳолатда суратлар ўрнига мос ранглар билан бўялган, бу иш шу даражада усталик билан амалга оширилганки, персонажларнинг соч-соқол ва мўйлабларининг ҳар бир толаси аниқ-равшан кўриниб турибди. Қадимги рассомлар ишлатган буёқлар шунча асрлар давомида зах ерда ётишига қарамай рангини йўқотмаган, худди кечагина чизилгандек ярқираб турибди. Афсуслар бўлсинки бу бўёқларни яратиш усуллари ва кимёвий таркиби бугун ҳам тўла ошкор бўлгани йўқ.

БУЛАР бу бебаҳо, ноёб санъат асари ҳақидаги гапларнинг бир томчиси холос. Мазкур асар ҳақида ўзбек ва чет эллик олимлар кўплаб илмий асарлар ёзишган ва ёзишади. Суратларнинг мазмуни ва мавзуси ҳақидаги баҳслар ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Бу асар ҳозирда Самарқанддаги Афросиёб музейида намойиш қилинмоқда.

...Отларга, туяларга, филларга ўтирган турли қиёфадаги, ҳар хил динларга эътиқод қилувчи, турли тилларда сўзлашувчи, турли давлатлардан йўлга чиққан элчилар карвонлари Самарқанд томонга шошилмоқдалар. Элчилар ўз ҳукмдорлари номидан Самарқанд подшосига тинчлик, дўстлик номаларини, совға-саломларини келтирмоқдалар... Бу кўҳна тарих, албатта. XIX асрнинг иккинчи ярмидан то XX асрнинг 90-йилларигача бу қадим юртга элчилар келмай қўйди. Чунки, қадимий Туронюрт ўз эрки, мустақиллигини шимолдан келган зўравон оқ ва қизил қиёфали Россияга бериб қўйган эди. Хайриятки, XX асрнинг сўнггида бу шавкатли юртга яна эрк, мустақиллик насиб этди. Яна бу юртга Шарқу-Ғарбдан элчилар карвонлари ташриф буюрмоқдалар, бу юртдан ажнабий давлатларга элчиларимиз жўнаб кетмоқдалар.

Темур ШИРИНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти директори, тарих фанлари доктори.

Амриддин БЕРДИМУРОДОВ,
институтнинг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди.

• ХДП ҳаётидан

ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

ХДП Сирдарё вилояти кенгашида ЎзХДП Миллий истиқлол мафкурасини ўрганиш ва унга ҳаётга татбиқ этишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ў вилоят ҳокимияти ҳамда ХДП вилоят кенгаши томонидан ташкил этилди. Унда вилоят кенгаши депутатлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, вилоятнинг мафкура жабҳасидаги етакчи мутахассислари, ижодий ташкилотларнинг намояндалари, олимлар ва партия фаоллари иштирок этдилар.

Йиғилиш иштирокчилари Миллий истиқлол мафкурасининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти, уни амалиётга татбиқ этиш чоралари, бу ишда ХДП, бошқа жамоат ташкилотлари, ўрта ва олий таълим тармоқлари, меҳнат жамоалари, ижодий уюшмалар олдида турган вазифалар ҳақида атрофлича мунозара юритдилар ва ўзаро фикр алмашдилар.

Йиғилишга ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Собиржон Усмонов якун ясади.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

ЎзХДП Дастурида партия ижтимоий адолат ва тараққиёт учун курашаётган жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан ҳамкорлик қилишга тайёр, демократик йўналишдаги ёшлар ташкилотларини фаол қўллаб-қувватлашга интилади, дейилади. Шунга мувофиқ ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши ва Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг қўшма пленуми бўлиб ўтди.

Унда «Ёш авлодни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миллий истиқлол мафкураси асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида шаҳар партия кенгаши ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи шаҳар қўмитасининг биргаликдаги вазифалари тўғрисида» ва «Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи 26-қурултойи қарорларини ҳаётга татбиқ этиш тўғрисида»ги масалалар кўриб чиқилди.

Биринчи масала юзасидан шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби М. Туробов, иккинчи масала юзасидан Ёшлар Иттифоқи шаҳар қўмитасининг биринчи котиби Ф. Раҳмоновларнинг маърузалари тингланди. Музокараларда мусиқа билим юрти директори Р. Ражабов, шаҳар «Нодира» болалар боғчасининг тарбиячилари С. Хўжахонова ва Ш. Ашурова, зардўзлик кичик корхонаси бошлиғи Г. Пиримқулова сўзга чиқдилар.

Шунингдек, ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг биринчи котиби В. Аллаев, шаҳар ҳокими М. Маҳмудовлар кўрилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Қўшма пленум тегишли қарорлар ва тадбирлар мажмуини қабул қилди.

Д. МАДИЕВ.

ЎН МИНГ СЎМДАН СТИПЕНДИЯ

Чуст тумани партия кенгаши Дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Яқинда Чуст шаҳрида педагогика лицейининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу янги билим масканида вилоятнинг 250 дан зиёд қобилиятли ўғил-қизлари таҳсил оладилар. Лицейнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Чуст тумани партия кенгашининг биринчи котиби Ш. Раҳматуллаев мазкур лицей кенгашнинг доимий эътиборида бўлишини таъкидлади. Ана шу эътибор дебочаси сифатида лицейнинг иқтидорли ўқувчиларидан уч нафарига ҳар ойда ўн минг сўмдан стипендия бериб боришга қарор қилинди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

Чуст туманида партия кенгашининг ташаббуси билан «Мамлакатимизда давлат ҳокимияти, барқарорлик ва тартибни мустаҳкамлашда , «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги Қонуннинг аҳамияти» мавзуидаги ягона сиёсий кун ўтказилди.

Етмишдан зиёд хўжалик, корхона, муассасада бўлиб ўтган йиғинларда мингдан ортиқроқ партия аъзолари ва партиясизлар иштирок этишиб, сайлов тўғрисидаги қонуннинг моҳияти, мазмуни ва мустақил республикамиз тараққиётидаги тутган ўрни ҳақида маълумотлар олдилар.

«Машъал» жамоа хўжалиги, шаҳар марказий шифохонаси, алоқа бўлими ва бошқа жамоаларда бўлиб ўтган давра суҳбатлари айниқса, жонли ва мунозараларга бой бўлди. Унда бўлажак сайловларнинг она-юрт равнақи йўлида катта аҳамиятга эга эканлиги, сайловларга пухта тайёргарлик кўриш, Олий Мажлис депутатлигига ҳар томонлама муносиб, билимли, қонунларни пухта ишлаб чиқишга ҳисса қўша оладиган кишиларни сайлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди ва таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Раҳимжон ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Соғлом авлод учун

САМАРА

Шифохонанинг очилиш маросимига келганлар бу бинонинг нечоғли ўзгариб, янги қиёфа касб этганидан ҳайратларини яширмадилар. Зеро, бу бинонинг ўзи-да бир тарих. Хуллас... бу жойларни Шумилов шаҳарчаси дейишади. Мазкур бино 1937 йилда мактаб учун қурилиб, бир оз вақтдан сўнг тери таносил касалликлари, кейинчалик эса болалар поликлиникасига айлантирилган эди.

Бир йилдан сал кўпроқ илгари шифохона ёпилди. Сабаби бу жой бир хароб аҳволга келган, ичкарисини-ку қўяверинг, сиртидан қараб ҳам бинонинг ичида бировнинг даво топиши тугул ҳатто борлигига ҳам ишонгинг келмасди. Хуллас, раҳбарлар маслаҳатни бир жойга қўйиб, касалхонани тугал таъмирлаб чиқишга келишдилар.

Бир йил ичида бу жойда замонавий шифохона вужудга келди. Бугун унинг очилиш маросимига йиғилганларнинг таассороти шундай.

Бранислава ЛЮБУТИНА, маҳалла кенгашидан, меҳнат фахрийси: Шифохона бизнинг кўз ўнгимизда бутунлай қайта тикланди. Бинонинг эски кўринишини бугун тасаввур ҳам қилиш қийин. Мамлакатимизда соғлом авлод учун жон койитаётганларнинг бир савобли, ҳам таҳсинларга муносиб иши деб баҳолаш керак буни.

Солиҳа Ниғматова ана шу шифо масканининг бош ҳакими. Бу аёлни мазкур Ҳамза туманида яхши билишади. Чунки у дўхтиргина эмас, фаол жамоатчи ҳам. Мана уч йилдирки, ХДП туман соғлиқни сақлаш бўлими бошланғич ташкилотини ҳам бошқариб келмоқда. Қолаверса, шифохонанинг қайта туғилишида ҳам унинг ўз ҳиссаси бор. Солиҳа Ниғматовадан партия ташкилоти хусусида сўрасангиз кўнглига йўл топдим, деяверинг.

— Уч йил муқаддам фақат бош ҳакимларгина партиямиз аъзоси бўлиб, 12 нафаргина эдик,— ҳикоя қилади у.— Бугун эса улар сафи 50 дан ошди. Орамизда ҳамширалардан тортиб хўжалик фаолияти билан банд ходимларимизгача бор. Ҳар бир аъзомизнинг ишидан кўнглимиз тўқ. Чунки уларда касбига, одамларга бўлган масъулият, меҳр етарли.

Котиба партия аъзоларини кўпайтиришнигина бош ютуқ деб ҳисобламайди. Улар фаолиятидаги жипслик, жонкуярлик муҳим. Шу боис унинг режалари ҳам умидбахш. Энди партия ташкилоти аъзолари ёшлар фаолиятини баҳолаб, вақтида улар ишини кўрсатиб, рағбатлантириб, илғор тажрибаларни оммалаштириб боришлари зарур деб ҳисоблайди у.

Халқ орасида бугун шифохоналардаги аҳвол ҳақида ҳар хил фикр борлиги сир эмас. Биргина дори-дармон тақчиллигининг ўзи ҳам алоҳида муаммо. Қолаверса, дўхтирлар орасида баъзан ўз касбидан кўра чўнтагини кўпроқ ўйлайдиганлари ҳам йўқ эмас-да.

— Дори-дармон масаласини ўзимиз ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз,— дейди бош шифокор.— Даволанаётганлар бу ташвишдан холи бўлишлари керак-ку ахир. Болалар соғлиғи билан бирга оналар саломатлигини ҳам назорат қилиш мақсадида янги, терапевт ва акушер-гинеколог штатларини очганмиз. Токи, оналар ҳам шу баҳона ўзларидаги дарддан фориғ бўлсинлар.

Бу ерда болажонларнинг даволаниш ва дам олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Она ва бола учун махсус кроватлар, ўйин, жисмоний тетиклаштириш, физиотерапия хоналари, шинам, замонавий мебел... Касалхонада бир йўла 80 бола ва шунча она даволаниши мумкин. Қолаверса, 20 ўринли кундузги бўлим ҳам беморлар хизматида.

Хуллас, Ҳамза тумани аҳолисига яна бир қулайлик яратилди, деса бўлади. Шундай... Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар ва Ҳамза тумани соғлиқни сақлаш ташкилотлари, Ҳамза туман ҳокимлиги бош шифокор Солиҳа Ниғматова, «Прогресс» фирмасининг саъй-ҳаракатлари, ҳамкорлиги самараси бу. Ишқилиб, бу каби шифохоналаримиз кўпаяверсин. Қолаверса, бундай ишларга бош қўшганлар савобга қолаверсин.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«КАРВОН»НИНГ ОЛДИДА

Юртимизда бу йил баҳор ҳам серёғин келди. Баъзи минтақаларга қор тушди. Катта умидлар билан ерларни экишга ҳозирлаётган деҳқонлар бироз ташвишда қолди.

Лекин шунга қарамай Гулистон туманидаги «Бешбулоқ» жамоа хўжалиги аъзолари бу йил вилоятда биринчилардан бўлиб экишга киришдилар.

Эрта эккан барвақт йиғар, деган халқимизда ажойиб ибора мавжуд. Дарҳақиқат, бунга гулистонликлар тўла амал қилмоқда, шекилли, куннинг ҳар бир «жилмайиши»дан унумли фойдаланмоқдалар. Чунки хўжаликда мавжуд техникалар учун ёнилғи-мойлаш, эҳтиёж қисмлари олдиндан тайёрлаб қўйилган эди. Натижа эса ёмон бўлмаяпти. Оқибатда, дастлабки икки кун мобайнида 87 гектар ерга барака уруғи қадалди.

Тўғри, энг аввало об-ҳаво шароити эътиборга олиниши керак. Табиат инжиқлик қилаверса, қайта-қайта чигит экилаверган билан хўжаликлар, қолаверса деҳқон зарар кўраверириши аниқ. Лекин бугунги кунда жами имкониятларни ишга солаётган «Бешбулоқ» жамоа хўжалиги деҳқонлари туманда карвоннинг олдинги сафида. Уларнинг мақсади вилоятнинг 335 минг тонналик улкан хирмонини тикланишида ўз улушларини қўшиш. Йилни ёруғ юз билан якунлаш.

Музиҳа ОХУНЖОНОВА.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 56

1994 йил 23 апрель.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

Ўзбекистон Республикаси ФТДК, ТИФ Миллий банки, ТИАВнинг "Экспомарказ" РКСМ, "ЦМИ" инновация фирмаси, "Central Asia-XXI" АЖ

ЗАМОНАВИЙ БИЗНЕС УЧУН ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

"CENTRAL ASIA - BANK & OFFICE '94" ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИНИ

10-15 майда ЭКСПОМАРКАЗда (собик ХХЮК)

НАМОЙИШ ЭТАДИЛАР

- банк фаолиятларини автоматлаштириш
- бизнесни ташкил этиш ва бошқариш воситалари
- ташкилий техника ва алоқа воситалари
- офис учун ўсқунлар ва мебеллар

ИШТИРОКЧИЛАР:

Rank Xerox, Lotus, Valentini, Москва Sparc-технологиялар маркази, ComputerLand, MCS ICL, RISO, Нурон, Технезис Инфо, Нихол, ВаДиМ, ФАВН, Ўзагроинформ, Ўзинформтранссистема

Кўргазма маъмурияти: Ўзбекистон, 700077, г. Тошкент, Буюк Ипак Йўли, 71/11, ЦМИ
Алоқа телефонлари: 68-88-47, 68-83-64, 68-22-20; факс:68-75-98, 67-64-77

ҲОМИЙЛАР

ICE журналы "Мир ПК" "Сети"

Nihol НИХОЛ РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНЫЙ ЦЕНТР

"ЎЗКСЕРОКС" ҚК

«ҲИЛОЛА АГРИ ЛТД»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

1994 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатдан ўтди ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ўзбек ва хорижий юридик шахслар ва фуқаролар иштирокидаги қўшма корхоналар рўйхатига киритилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

1994 йилга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— юқори молекулали бирикмалар кимёси;
— машинасозлик, машина қисмлари;
— енгил саноат машина, агрегатлари;
— машина ва машина механизмлар назарияси;
— кимё технологияси жараёни ва аппаратлари;
— кимёвий толалар технологияси;
— материалшунослик (тўқимачилик);
— тўқимачилик хом ашёси;
— тўқимачилик материаллари технологияси;
— тикилган маҳсулотлар технологияси;
— иқтисод, режа (менежмент).

Аспирантурага, қабул имтиҳонлари икки турда: май ва октябрь ойларида ўтказилади. Ҳужжатлар 01.10. 1994 йилгача қабул қилинади.

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: 700100. Тошкент, Горбунов кўчаси 5, ТТЕСИ, аспирантура бўлими, тел. 53-66-34.

ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАР ФУҚАРОЛАРИ УЧУН АМЕРИКАГА ИММИГРАНТЛИК ВИЗАЛАРИ ОЛИШ ЛОТЕРЕЯСИГА ҚЎЛЛАНМАЛАР

Америка Қўшма Штатларининг Ҳукумати 1994 йилнинг 1 октябридан бошлаб турли мамлакатлар фуқаролари учун яратилган Иммигрантлик Визалари бўйича янги Дастурни режалаштирмоқда. Бу Дастур Ўзбекистонда ва бошқа собиқ Совет Иттифоқи давлатларида истиқомат қилувчиларга биринчи марта лотерея иштирокчиси асосида Америкада доимий яшашга имконият беради. Дастур махсус Ўзбекистон ёки собиқ Совет Иттифоқи республикалари учун яратилмаган. Шунга ўхшаш дастур бир неча йил олдин АҚШ Конгресси томонидан яратилган бўлиб, унинг мақсади охирги йилларда Америкага иммиграция даражаси паст бўлган мамлакатларда истиқомат қилувчиларга иммиграция имконини беришдир.

Хар йили ҳамма давлатлар учун ажратилган бундай визаларнинг сони 55 мингта бўлади. Мамлакатлар гуруҳларга бўлинган бўлиб, фақат 24 мингта виза Европа географик минтақасига ажратилади. Собиқ Совет Иттифоқи давлатлари ана шу Европа минтақасига киради. Бу рақамнинг ичига ғолибларнинг эр-хотинлари ва 21 ёшга тўлмаган болалари ҳам киритилади. Ҳар бир мамлакатнинг виза олиш юқори миқдори 3.850 бўлса ҳам, пастки миқдори йўқ. Шунинг учун баъзи бир мамлакатларда ҳеч ким ютмаслиги мумкин.

Дастурда иштирок этиш мутлақо бепул ва кимгадир пул тўлаш сизнинг ютиш имкониятингизни ошира олмайди.

Хатлар юбориш муддати – 1994 йилнинг 1 июнидан 30 июнигача. Ўз муддатида юборилган хатларга асосланиб, компьютер ғолибларни танлайди. 1 июндан олдин ёки 30 июндан кейин олинган хатлар кўрилмайди.

Биттадан ортиқ хат юборсангиз, сизнинг мурожаатингиз кўрилмайди. Лекин ҳар бир иштирокчи эр-хотин ва 21 ёшга тўлмаган ва турмуш қурмаган болалари хақида маълумотлар ёзиб юборса бўлади. Шунинг учун эр ва хотин ҳар бирлари хат юборишлари мумкин.

Иштирок этмоқчи бўлганлар камида ўрта мактабни битирган бўлишлари шарт ёки охирги беш йил ичида шуғулланган ишлари икки йиллик маълумотни ёки тажрибани ғалаб қилган бўлиши керак.

Иштирок учун ҳеч қандай махсус форма керак эмас. Қуйидаги маълумотларни оддий оқ қоғозда инглиз тилида босма ҳарфлар билан ёзинг: (Туғилган жойингизни езган вақтда, мамлакатингизнинг ҳозирги номини ёзинг. Совет Иттифоқини мамлакат деб ёзманг).

1. Иштирокчининг фамилияси, исми, отасининг исми (фамилиянинг тагида чизиш керак)
2. Иштирокчининг туғилган йили ва жойи:
   Туғилган йили: куни, ойи, йили
   Масалан: 15 November 1961
   Туғилган жойи: шаҳар, область (вилоят), мамлакат
   Масалан: Tashkent, Tashkent oblast, Uzbekistan
3. Иштирокчининг эр-хотинини ёки 21 ёшга тўлмаган ва уйланмаган болаларининг исмлари, туғилган йиллари ва туғилган жойлари. **Ота-онангизнинг исмларини ёзманг.**
4. Иштирокчининг хат юбориладиган адреси: адрес аниқ ва тўлиқ бўлиши керак, чунки ғолибларга шу адресга хабарнома ва қўлланмалар юборилади. Телефон номерини ёзиш шарт эмас, лекин у керак бўлиб қолиши мумкин.
5. Иштирокчи яшайдиган мамлакатнинг номи, агар у туғилган жойидан фарқ қилса.

Сиз қуйидаги мамлакатларни мамлакатингиз сифатида ёзиб юборсангиз бўлади:
– сизнинг туғилган жойингиз;
– эр-хотинингиз туғилган жойи;
– отангиз ёки онангизнинг туғилган жойи (агар уларнинг туғилган жойлари сизникидан фарқ қилса).

Мурожаатнома – хат узунлиги 15 – 25 см ва кенглиги 9–11 см бўлган конвертда юборилиши керак. Мурожаатнома – хатлар фақат оддий ёки авиа почта орқали юборилиши керак, лекин хатларни дунёнинг барча жойларидан ва Американинг ўзидан юборса бўлади. Қўлдан қўлга берилган, факс ёки бошқа махсус, регистрациядан ўтадиган (экспресс почтага ёки буюртма хатларга ўхшаш) йўллар билан юборилган хатлар қабул қилинмайди.

Иштирокчининг мамлакати, тўлиқ исми ва хат юбориладиган манзилгоҳи инглизча босма ҳарфлар билан конвертнинг юқори чап бурчагига ёзилиши керак. Ушбу маълумотлар қуйидаги тартибда ёзилиши керак:

Туғилган мамлакатингиз
Тўлиқ исмингиз
Кўчангизнинг номи
Шаҳар, область, индекс
Истиқомат қиладиган мамлакатингиз

Қуйида Қирғизстонда туғилган, лекин Ўзбекистонда истиқомат қиладиган шахснинг адреси тўғри ёзилган конвертнинг намунаси. Лотереянинг адреси қуйидаги ёзилган манзилгоҳдек ёзилиши керак:

Kyrgyzstan
Turaev. Tura Turaevich
Olmos Kuchasi. uy 8. kvartira 13
Tashkent. Tashkent Oblast. 700010
Uzbekistan

Почта маркаси

DV-1 Program
National Visa Center
Postmouth. NH 00212
U.S.A.

Ғолибларга почта орқали хабарнома-хат ва қўлланмалар юборилади. Ғолибнинг эр-хотини ва турмуш қурмаган болалари ҳам иммигрант визасини олиш учун мурожаат қилишлари мумкин.

Юқорида берилган манзилгоҳ Ўзбекистон ва бошқа Европа минтақасига кирадиган мамлакатлар учун бир хил. Ушбу қўлланмаларнинг бир нусхасини сиз ҳар куни, душанбадан жумагача, соат 17.00 дан 17.30 гача, Чилонзор кўчаси, 82 манзилгоҳида жойлашган Америка Қўшма Штатлари Элчихонасида бепул олишингиз мумкин. Шунингдек, Америка Элчихонасининг ташқарисида шу қўлланмаларнинг бир нусхаси ва дунё бўйлаб ўтказиладиган бу дастурга тааллуқли маълумотлар билан танишсангиз бўлади. Элчихонанинг ушбу дастурда иштироки фақат айтиб ўтилган маълумотлар бериш билангина чекланган. Элчихона ҳеч қандай маслаҳатлар бера олмайди, хат юбориш хизмати билан таъминламайди ва лотерея натижалари ҳақида ахборот бера олмайди. Шунингдек, Элчихона дастурга тааллуқли саволларга телефон орқали ёки юзма юз жавоб бера олмайди.

CHORI CO., LTD. Фирмаси

бутун жаҳонда эътироф этилган CASIO® касса аппаратларининг бир неча турларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

CASIO касса аппаратлари бу:

- фойдаланишда ишончли ва оддий
- замонавий дизайн
- сотувчи ва харидор учун дисплей
- контрол чек лентаси

CASIO касса аппаратлари-бу Сизнинг даромадингиз!

"Чори"нинг Тошкентдаги ваколатхонаси манзилгоҳи:
Навоий кўчаси, 9. Телефонлар: 41-83-73, 41-41-77. Факс 415255.

«МАДАНИЯТ»

ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САВДО-МАДАНИЙ МАРКАЗИ

Тошкентдаги омборлардан

олий навли Хитой кўк чойи,

деворга ёпиштириладиган ювиладиган гулқоғоз,

кир ювиш машиналари,

чет эл ароқлари,

миксерлар,

қандиллар ва бошқа халқ истеъмоли моллари-ни

СОТАДИ

Мурожаат учун телефонлар: 45-57-68, 45-49-52, 45-60-39, 45-85-56.

5 хонали, гаражи бор бўлган 6 сотих участкали планли уй

СОТИЛАДИ

Иккинчи уйни қуриш имконияти ҳам бор.

Прицепли «ГАЗ—69» автомашинаси ҳам сотилади.

МАНЗИЛГОҲ: Тошкент, Ҳошимов (собиқ Морская) кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОН: 68-01-77.

Тошкент шаҳар Яккасарой ноҳиясидаги 73-ўрта мактаб томонидан Раҳимова Шаҳноза Саттаровна номига 1993 йилда берилган А У № 324074 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ.

Нашр учун масъул Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва биллирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32, 3-қават, 344, 346-хоналар.
Индекс: 75487.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 25. IV

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Кичкинтой» студияси. «Болалигим — гулбаҳор». 18.45 Футбол шарҳи. 18.55 «Яшил бойлигимиз». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Ислоҳотнинг ҳуқуқий асослари». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Санъат усталарининг концерти. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 ЎзТВ хазинасидан. В. Гюго. «Қиролнинг дилхуши». Телеспектакль. 23.00 «Ўзбекистон ва жаҳон». 23.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Камер қуйларидан концерт. 20.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 21.00 «Излаган имкон топади». 21.30 «Шифокор билан очиқ мулоқот». 22.30 «Солдат қалби». Бадиий фильм.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 Душанба куни детектив. «Дельта Форс команда II». Бадиий фильм («Овросиё-ТВ»). 21.45 «Асил ҳолича».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Оқ суяк». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг». 17.35 «Гол». 18.20 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал премьераси. 24-серия. 18.50 «Эркак ва аёл». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Театр + TV». Бир романнинг икки боби. 21.30 «Спорт уик-энди». 21.45 «Большой театрнинг катта тенори». Зураб Сотқилаванинг ижодий кечаси. 23.00 Янгиликлар. 23.35 — 00.10 «Дунё шаҳарларининг тунги ҳаёти». Москва.

Сешанба, 26. IV

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.00 «Юлька». Бадиий фильм. 10.10 «Наврўз нашидаси». Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё. 11.00 «Таълим ва ислоҳот». 11.30 «Кўнгилнинг рангин нақшлари». 12.30 «Тадбиркорлар ҳузурида». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Кашф этилаётган имкониятлар». 18.45 «Шеърий дақиқалар». Икром Отамурод. 18.55 «Қадрият». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Қуй ва соз оҳанги». Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Халқ ижодиёти» Тўй маросимлари. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 «Ватанни севмоқ иймондандир...» 22.25 «Устоз ва шогирдлар». Мусиқий кўрсатув. 23.15 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.40 «Тангалик болалар». Бадиий фильм. 00.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Стоп кадр». Франсуа Трюффо. 21.10 Француз мусиқаси кечаси.

«ОМАД» таништиради:

21.35 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
«ОМАД» таништиради:

9.00 «Совға». 9.30 Эълонлар. 9.35 «Видео-О» 11.15 Эълонлар. 11.20 «Курьер». 11.30 «Эм-Ти-Ви»дан мусиқалар. 11.55 «Ҳар соҳадан бир шингил». 12.05 Эълонлар. 12.10 «Даракчи». 12.20 «Салом, ёшлар!». 12.40 Эълонлар. 12.45 «Видео-О».

18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 309-серия. 20.40 «Олдиндан сезиш». 21.10 «Европа куйлаганда». 21.15 «Фильмлар премьераси». 21.30 Виктор Астафьев ижодидан. 22.20 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Авлиё Лука»нинг қайтиши». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг». 17.45 «Петербург сирлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия. 18.45 «Протокол сатрларида». 18.55 «Мавзу». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Бомонд». 20.45 «Экран» ижодий уюшмаси таништиради: «Сув ўғрилари». Телевизион бадиий фильм премьераси. 22.05 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати кундалиги. 22.15 «Останкино» хит-паради. 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Матбуот-экспресс». 23.45 — 00.15 «Дераза ортида тун». Бадиий-публицистик кўрсатув.

Чоршанба, 27. IV

● ЎзТВ I

7.00—9.15 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.15 «Бешинчи «Б»да ўқийдиган шумтака». Бадиий фильм. 10.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.15 «Фан ва ишлаб чиқариш». 11.45 «Кафолат». 12.10 «Ёшлик» студияси. «Шижоат». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ёшлик» студияси. «Изларингни излайман». 18.50 «Ислоҳот ва масъулият». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Осойишталик посбонлари». Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади... 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Тадбиркор минбари. 22.10 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизион танлови. 23.10 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.35 «Рушана Султонова рақсга тушади». Фильм-концерт. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Мусиқали меҳмонхона». 20.50 «Суперспорт». 21.35 «Ўғирлик». Бадиий фильм. 1-2-сериялар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 310-серия. 20.40 «Мэр». Шаҳар ҳокими сувратига чизгилар. 21.25 Катталар учун мультфильм. 21.35 «L-клуб». 22.20 «Европа куйлаганда».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Генерал Раҳимов». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг». 17.55 «Петербург сирлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия. 18.55 «Йўлбошчи». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 Муслим Магомаев ҳузурида меҳмонда. 21.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати кундалиги. 21.10 «Васнецовлар шажараси». Телефильм. 22.00 Янгиликлар. 22.35 «Матбуот-экспресс». 22.45—23.20 Катталар учун мультфильмлар.

Пайшанба, 28. IV

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.00 «Подшо Петр арапни уйлантиргани ҳақида». Бадиий фильм. 10.35 «Ёшлар — ёшлар одоби ҳақида». 11.25 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.40 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» — «Нефтчи». 12.25 Ўзбек куйларидан концерт. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари». 18.40 «Ўйинчоқ». Телефильм. 18.55 «Муҳофаза». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Лирик концерт. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Одобнома». Маърифий-публицистик кўрсатув. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли яккахонларининг концерти. 22.05 «Ёшлик» студияси. «Ботма қуёш!» 23.05 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «02» тўлқинида. 20.10 «Спринт». 20.35 «Тошкент оқшомлари». 21.35 Теннис бўйича Ўзбекистон Президенти кубоги учун халқаро турнир олдидан.

«ОМАД» таништиради:

21.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 311-серия. 20.40 «Ўз ўйини». 21.10 «Европа куйлаганда». 21.20 Спорт кўрсатуви. 21.25 «Сиёсат майдонида».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Қундузги сеансга икки билет». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг». 17.55 «Петербург сирлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 8-серия. 18.55 «Кинопанорама». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 Футбол. Чемпионлар лигаси. Ярим финал. «Барселона» (Испания) — «Порту» (Португалия). Испаниядан кўрсатилади. 21.00 Режиссёр Л. Бунюэль фильмлари. «Озодлик шарпаси» (Франция — Италия). 22.50 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати кундалиги. 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Матбуот-экспресс». 23.45 — 00.15 «Академия». Дам олиш кўрсатуви.

Жума, 29. IV

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.00 «Йўлбарсга муҳтожмиз». Бадиий фильм. 10.10 «Ўлмас мерос». Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Жуғрофия. 11.00 «Мусиқий оҳанглар». Телефильм. 11.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Кичик корхоналар истиқболи». 18.40 «Санъат олами». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Дутор ва танбур тароналари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Халқаро шарҳловчилар даврасида. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Бевосита мулоқот. 22.25 «Аҳмаджон Дадаев куйлайди». «Ўзбектелефильм». Премьера. 22.55 «Кино, кино, кино». 23.45 «Ўзбекистон» ахбороти. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Жонли тил». Юқори синф ўқувчилари учун телеўйин. 20.45 «Бернора Қориева рақсга тушади». Телефильм. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 «Соғлом авлод учун». 21.50 «Қўрқоқ». Бадиий фильм.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 «Оддий иш». 20.05 «Нахимовчилар». 20.35 «Европа куйлаганда». 20.40 «К-2» таништиради:» «Абзац». 21.35 «Сариқ сувости кемаси» клуби. 22.05 Кинормарафон. «Севги маъбудаси». 22.20 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Жазда фақат қизлар». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг». 18.15 «Америка М. Таратута билан». 18.45 «Мўъжизалар майдони». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Детективлар клуби»да. «Ден Огаст». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (АҚШ). 21.30 «Ҳафтанинг машҳур кишиси». 21.50 «Йўқотилганларни излаб...». Одри Хепберн. 22.30 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати кундалиги. 22.40 «Авто-шоу». 22.50 «Матбуот-экспресс». 23.00 — 23.35 Янгиликлар.

Шанба, 30. IV

● ЎзТВ I

7.00—9.15 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.15 «Финист — сарлочин». Бадиий фильм. 10.30 «Ихтирочи». 11.00 «Оила». 11.45 «Ёшлик» студияси. «Хайрли парвоз!» 12.30 Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Ички ишлар бошқармаси намунали оркестрининг концерти. 13.00 Мулоҳаза. «Яна муҳаббат ҳақида». 13.45 Футбол бўйича Голландия чемпионати. «Витесс» — ПСВ «Эйндховен». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Писмиқ». Болалар учун фильм. 18.40 «Оламга саёҳат». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Тандир, арча ва олов». Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Самбо бўйича Шароф Рашидов хотира турнири. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эстрада юлдузлари концерти. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган. 1-қисм. 22.25 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Бахт кулиб боқса...» 20.30 «Орзу». Фильм-концерт. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 «Ёшлик» станциясидан кузатилади». Бадиий фильм. 1-2-сериялар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

12.15 «Мамлакатлар воқеалари, одамлар». 12.25 «Ўзбекистонда сув заҳираси муаммолари». 13.05 «Би-Си-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 13.20 «Жаҳон ва биз». Муқобил ёнилғи муаммолари ҳақида. 14.20 «Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда». 14.55 «Интермулоқот». Ўзбекистон — Буюк Британия. 15.30 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 15.45 «Бу ажиб дунё».

18.00—19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 «Аниматека». 20.10 «Ҳеч ким унутилмайди». 20.15 «Ҳамманинг уйи тинч бўлсин». Москва ва Бутун Русия патриархи Алексий II интервьюси. 20.35 Таниширинг, «Благовест» хори. 21.00 Телеэкранда — премьера. «Энди инсоният боласи доврўғ топади». Бадиий фильм.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Қалтис қўниш». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 «Коламбия пиктчерс» таништиради: «Барча даврларнинг одами». Бадиий фильм премьераси (АҚШ—Буюк Британия). 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Германия — Россия терма жамоалари. Италиядан кўрсатилади. 22.30 «Веди». 23.00 Янгиликлар. 23.40—23.50 «Матбуот-экспресс».

Якшанба 1. V

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.00 «Ёр-ёр шайдоси». Телефильм. 9.30 «Кичкинтой» студияси. «Кўнгироқча». 10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». 10.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 64—65-сериялар. 12.00 «Ёшлик» студияси. «Даврага кел, дугонажон!» 13.50 Н. Рўзимуҳамедов. «Балли, улоқча». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 14.05 «Санъатимиз дарғалари». Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Мультипанорама». 18.35 «Кичкинтой» студияси. «Умида рақсга тушади». 19.05 «Ўзбекистон бойлиги». Телефильм. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида). 20.00 Эълонлар. 20.05 Эстрада юлдузлари концерти. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган. 2-қисм. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ҳафтанома». 21.30 «Ойнаи жаҳонда...» 21.50 «Нозигим». Телевизион бадиий фильм. «Ўзбектелефильм». Премьера. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

17.00 «Мультфейерверк». 17.30 «Курьер». 17.45 «Рок ҳақида». 18.15 «Ҳар соҳадан бир шингил». 18.25 «Совға» 18.55 «Даракчи». 19.05 Эълонлар. 19.10 «Видео-О». 20.50 Эълонлар. 20.55 «Курьер». 21.10 «Эм-Ти-Ви»дан мусиқалар. 21.25 Эълонлар. 21.30 «Даракчи». 21.40 Эълонлар. 21.45 «Видео-О».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

11.45 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 12.00 «Дунё эшиги». 12.35 «Дидар» (қозоқ тилида). 13.05 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 13.20 «Илоҳий байрам Якшанбалик». 13.55 «Овоз». Шарқ ва Европа маданиятининг ўзаро таъсири ҳақида. 14.30 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 14.45 «Умид» (уйғур тилида). 15.15 «Дўстлик тароналари». 15.45 «Бу ажиб дунё».

18.00—19.35
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.35 Телеэкранда — премьера. «Каротин аслида бўлганми?» Бадиий фильм. 1-серия. 20.55 «Аншлаг ва К». М. Евдокимов бенефиси. 22.20 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Ёр-ёр». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 Байрам концерти. 19.05, 20.10 «Графиня Шереметева». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар («Экран»). 21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви. 21.50 «Қайтадан янгради...» Телефильм. 22.00 — 23.50 Алла Пугачёва меҳмонларни кутмоқда. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

«Тошкентвино» қошидаги бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган соғломлаштириш марказида нафақат завод ишчилари балки соғлом ва бақувват бўлиш истагида келган кўплаб ёшлар йиғилишади. Бу ерда улар учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Соғломлаштириш марказига машҳур спорт усталари ҳам тез-тез ташриф буюришиб, ёшларга маслаҳат бериб туради. Бокс билан машғул бўлганлар орасида эса таниқли боксчи, жаҳон чемпиони Руфат Рисқиевни учратиш мумкин. У катта спорт билан ҳайрлашгач, уни пойтахтимизда ўтказилган турли турнирларда ҳакам, секундант ёки оддий томошабин сифатида учратиш мумкин эди. Эндиликда Руфат Рисқиев соғломлаштириш марказида ёшларга мураббийлик қилаётир. Ахир машҳур боксчининг олтинга тенг маслаҳатлари спорт оламига кириб келаётган навқирон боксчилар учун катта аҳамиятга эга. Мураббий эса ўзи эгаллаган «бокс санъатини» шогирдларига тинмай ўргатаётир. Халқда «Шогирд устоздан ўзар» деган гап бор. Ажабмаски, унинг шогирдлари ҳам жаҳон биринчиликлари ва халқаро олимпиадаларда ғолибликни қўлдан бермаса.

СУРАТДА: спорт устаси Мехти Маҳкамов хизмат кўрсатган спорт устаси Руфат Рисқиев маслаҳатларини жон қулоғи билан эшитаётир.

ЎзА олган сурат.

• *Луқма*

ШАХМАТ ДОНАЛАРИ СОЧИЛМАСИН

Тошкентдаги «Пахтакор» марказий ўйингоҳи яқинидаги мўъжазгина бинони мухлислар яхши билишади. Бу, юртимизнинг дастлабки халқаро гроссмейстери Г. Аъзамов номи билан юритилувчи марказий шахмат клубидир. Барча катта-кичик мусобақалар, учрашувлар, терма жамоаларимиз ўқув машғулотлари ҳам шу ерда ўтказилади. Бино ҳозирча замон талабига жавоб бермаса-да, шукр қилиб турибмиз. Аммо бу масканга нисбатан «зўрға топган боламни эчки тепиб ўлдирди» қабилида муносабатда бўлаётганлар бор. Клуб атрофида темир-терсаклар қалашиб ётибди. Яна уч хонанинг иккитасини шахматчилардан тортиб олишганини қандай тушуниш керак? Улар ўйингоҳ маъмуриятига мурожаат этишса, нима учундир улар мутасадди ташкилотларни рўкач қилишдан нарига ўтишмаяпти. Наҳотки, шахмат клубини омборхонага айлантириш шунчалик зарур бўлса?

Республикамиз ҳукумати, спорт, хусусан шахмат санъатига эътиборни қаратаётган бир пайтда айрим ташкилотларнинг мазкур клубга кўз олайтириши инсофданми? Жаҳон олимпиадаси ва Осиё биринчилигининг кумуш медали совриндорлари бўлган шахматчиларимизнинг хотиржам дона суриб, юрт доврўғи ҳақида ўйлашлари учун шароит даркорлиги ҳақида ким қайғуради?

Бир гуруҳ шахматчилар номидан

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

• *Ўқинг, қизиқ*

ЮЗ ЙИЛДАН СЎНГ

«Афанди таҳорат қилиб эрди, бир оёғига сув етмади, бас, номозга шуруъ қилғонда, бир аёғин кўториб туриб намоз ўқуди. Афандининг намозини кўрғон кишилар савол қилдиларким: — Эй, Афанди, бир оёғ бирлан ўқулғон намоз нечук намоздур? Афанди айтди: —Бир оёғида таҳорати йўқ кишининг намозидур, — деди».

Бу латифа Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти томонидан чиқарилган «Қадимий афанди латифалари» (нашрга тайёрловчилар: Муҳаммад Амин — Олимжон Жўра ўғли, Жалолиддин Жўра ўғли, муҳаррир Бахтиёр Омон) мажмуасидан олинди.



Китобчадан ўрин олган Насриддин Афанди латифаларининг барчаси бир-биридан ажойиб ва ғаройиб. Латифалар тагида шарқона зам-замали фикрлар ва ўткир чистонлар кўринниб туради. Айни пайтда латифалар ўқувчини кулги оламига етаклайди, қалбдаги ғуборни аритади. Насриддин Афандининг зукко, билимдон, ҳозиржавоблигига, шубҳасиз таҳсину офаринлар айтасиз.

Китобча аслида бундан юз йил илгари халқимизнинг фидойи фарзанди мулло Мир Азим Мир Султон ўғли томонидан Тошкентда, Ал Ҳусайний босмахонасида тўрт маротаба чоп этилгани. Ўша даврда ҳам бу кулги мажмуаси китобхонлик кечаларида ва даврларда севиб ўқилганди.

Мажмуадаги халқ мероси бўлган латифалар қадимийлиги билан ҳам бебаҳодир. Яна муҳими шуки, эски ўзбек тилидадир. Уларни бузмасдан, бирон-бир сўзини ҳам ўзгартирмасдан ҳозирги алифбога кўчириб ,ўз асли ҳолида чоп қилинганлиги ҳам диққатга сазовордир.

• *Бу қанақаси?*

ЭРГАШБОЙ «Э-Э...» ДЕДИ

Бензин йўқлигини ҳамма билади, аммо кўчадаги машиналарнинг қатновидан одамнинг боши айланади: демак бензин бор! Ҳамма бало шундаки, ёнилғи танқислиги туфайли бу нарса мўмай даромад манбаига айланди. Шу йилнинг 13 апрель куни Денов шаҳар солиқ идорасининг ходимлари Эргаш Мансуровни кўчада бензин сотиб ўтирган жойида ушлашди. Эргашбой бу бензинни Қашқадарё вилоятидан олиб келганлигини айтди. Аммо солиқчилар айтдики, бензин дарёда ўзидан-ўзи оқиб ётадиган сув эмас, ҳукуматимиз буни олиб келиш учун катта харажатлар қилмоқда, шундай бўлгандан сўнг қаердандир келтирилган, бундай бензинлар сизнинг ҳамёнингизга эмас, давлат манфаатларига хизмат қилиши керак эди, агар сиз савобталаб одам бўлсангиз, шу бензинни давлат қатъий белгилаб қўйган нархда сотинг, дейишди. Эргашбой «Э-э» дегандан сўнг иш жиддийлашди. Энди у ана шу «Э-э...»ни солиқчиларга тушунтириб беради.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР

ХАЙРИЯ ЁРДАМИ

● Тошкент шаҳрининг туман ҳокимликлари саломатлик масканларига хайрия ёрдами кўрсатдилар.

Чилонзор туманининг «Бешёғоч» фирмаси 3 миллион 550 минг сўмлик саховат кўрсатиб, 7 та болалар ва 8 та катталар учун ногиронлар аравачасини ҳам инъом этди. 2, 7 ва 9-туғуруқхоналарда дунёга келган 50 нафар гўдакка кийим-кечак совға қилинди.

Шайхонтоҳур туманининг «Интермикро» фирмаси эса 7 та ногиронлар аравачасини олиб берди. Шунга ўхшаш Ҳамза, А. Икромов, Яккасарой, Мирзо Улуғбек туманлари маҳаллаларида ҳам хайрия ишлари амалга оширилди.

Иброҳим ОРИФЖОНОВ.

КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН ЯХШИ

● Таниқли олим Вали Мажидовнинг «Юқумли касалликлар» номли янги китоби Ўзбекистон тиббиёт нашриётида босмадан чиқарилди.

Китобда муаллиф вабо, сариқ касаллиги, бурцелоза, жигар, ошқозон касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, унинг олдини олиш йўллари, даволаш усуллари ва зарур дори-дармонлар хусусида атрофлича маълумот беради. Олимнинг ярим асрлик катта меҳнат самараси ва Англия, Франция, Туркия, Япония олимлари билан ҳамкорлиги китобда ўз ифодасини топган.

Забиҳилло МУҲАММАДЖОНОВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент Давлат юридик институти маъмурияти ўқитувчи профессорлар жамоаси фалсафа кафедраси профессори И. Р. Рамозоновга ўғли

Қаҳрамон РАМОЗОНОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Знёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11; Нукусда — 7-58-83;
Бухорода — 3-96-12; Қаршида — 3-25-79;
Ғулистонда — 2-26-22; Қумқўрғонда — 52-624;
Жиззахда — 3-46-24; Самарқандда — 35-22-90;
Навоийда — 3-74-76; Урганчда — 6-72-60;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г — 890. тир. 85501.
Навбатчилар: Қ. ЭШМАТОВ, А. ПЎЛАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ,
МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. топширилди — 20.40. 123456.